I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 12 317,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 101,3 фоизга тенг бўлди.

2017 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 120,2 фоизни ташкил қилди.

Январь-декабрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд.сўм		*2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида*
	2016 йил	*2017 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**10 121,1**	**12 317,4**	**101,3**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	9 728,2	11 933,1	101,6
Маҳсулотларга соф солиқлар	392,9	384,3	92,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**9 728,2**	**11 933,1**	**101,6**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1 671,2	2 205,9	104,1
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5 750,0	7 009,9	99,0
саноат	5 234,5	6 435,7	98,6
қурилиш	515,4	574,2	103,1
Хизматлар	2 307,0	2 717,2	106,3
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	590,0	699,3	101,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	464,2	515,7	107,2
бошқа хизматлари	1 252,8	1 502,2	108,5

Январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби*(фоизда)*



2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири бошқа соҳа хизматлари (108,5%), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари (107,2%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги хизматлари (104,1%), тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 40,3 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-декабрга нисбатан 0,9 фоизли бандга камайди.

2017 йил январь-декабрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 22,8 фоиз (2016 йил январь-декабрида 23,7 фоиз)ни ташкил қилди.